Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

18 июнь, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 130 (1647)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИ АППАРАТИ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва унинг бозор усулларига асосланган замонавий тамойилларини ҳаётга кенг жорий этиш, бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтишни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппаратида бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппаратлари ташкилий тузилмаси ва масъул ходимларининг чекланган штатлари сони тасдиқлансин.

3. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппаратига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

-- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳукумат дастурларини амалга ошириш, халқ хўжалиги тармоқларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлаш;

-- жойларда хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, молия ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

-- табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш;

-- қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ва халқ депутатлари кенгашлари қарорларининг ижросини таъминлаш;

-- вазирликлар, республика идоралари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

-- маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ишини назорат қилиш.

4. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тизимида ахборот-таҳлил гуруҳлари ташкил этилсин ва уларнинг иш фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарорига мувофиқ олиб борилсин. Ахборот-таҳлил гуруҳи бошлиғи мақомига кўра, ҳокимнинг ўринбосарига тенглаштирилсин.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ахборот-таҳлил гуруҳининг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

6. Ахборот-таҳлил гуруҳининг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгилансин:

-- ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини ташкил этиш, уларнинг туман ва шаҳарларда ўтказилиш мониторингини амалга ошириш;

-- Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ва уларнинг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш;

-- вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги котибиятлари, гуруҳлари ва бошқа бўлинмаларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

-- ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил қилиш ва мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимият раҳбариятига ахборот бериб туриш.

7. Қуйидагилар вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари котибиятларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

-- ҳудудларда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;

-- ҳокимият муҳокамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳоким ва унинг ўринбосарлари кўриб чиқиши учун мутахассислар томонидан ишлаб чиқилишини ташкил қилиш;

-- ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқларига биноан, ҳокимликнинг қарор лойиҳалари ва бошқа тегишли ҳужжатларини тайёрлаш;

-- юқори ташкилотлар ҳамда ҳокимият қарор ва фармойишларининг маҳаллий бошқарув органлари ва идоралари томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

-- котибият ваколатига тааллуқли масалалар бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳокимликка тушган ахборот, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш.

8. Белгилаб қўйилсинки, ҳокимликлар котибиятларида тайёрланадиган қарорлар лойиҳалари ва ҳужжатлар ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан, албатта, маъқулланган бўлиши керак.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бошқармалари бошлиқлари мақоми бўйича тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарига тенглаштирилсин.

10. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати ва бошқарув органлари ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича гуруҳлар жадвали ва тариф разрядлари тасдиқлансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 17 июнь.

● *ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА*

ТАЪЛИМ ҲАҚИДА ЯНГИ ҚОНУН ТАЙЁРЛАНАДИ

Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Пиримқул ҚОДИРОВ билан суҳбат

-- Хабарингиз бор, 5 июнь куни «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз таълим соҳасини замон талабига мувофиқ тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги бугунги куннинг асосий масалаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу борада олий қонун чиқарувчи ҳокимият қандай ишларни амалга оширмоқда?

-- Президентимиз ўша йиғилишда Миллий дастур бизга, айниқса, ўтиш даврида сув ва ҳаводек зарурлигини нафақат таъкидлади, балки аниқ далил ва мисоллар асосида исботлаб ҳам берди. Энди унинг ҳуқуқий замини ҳақида. Бизда, айни пайтда, 1992 йилда қабул қилинган ва 1993 йилда айрим ўзгартишлар киритилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун амал қилмоқда. Агар эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз ўша йиғилишда таълим соҳасини ислоҳ қилиш юзасидан тамомила янги ғоя, йўналиш ва тартиб-қоидаларни таклиф қилди. Бу эса, табиийки, Таълим ҳақидаги Қонуннинг буткул янги матнини яратишни тақозо этади. Шу боис ҳозирда Таълим ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш юзасидан махсус комиссия фаолият юритаяпти. Унинг асосий йўналишлари (концепцияси) тайёрланаяпти. Шундан сўнг қўмитамиз қошида тузилган ишчи гуруҳи унинг лойиҳа матнини тайёрлашга киришади.

-- Уни навбатдаги сессия муҳокамасига киритишга улгурасизларми?

-- Ҳа, мўлжалимиз ҳам шу.

-- Қўмитада яна қандай лойиҳа устида иш олиб борилаяпти?

-- Илмий техника ахбороти тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида ишлаяпмиз. У асосан тикланди, экспертиза ҳам қилинди. Уни ҳам навбатдаги сессия муҳокамасига киритишни мўлжаллаяпмиз.

-- Қабул қилинган қонунларнинг назорат-таҳлили борасида нима дея оласиз?

-- Хабарингиз бор, бундан бир ойча бурун Тил ҳақидаги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижросини ўрганиб, қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилган эдик. Қўмита режасига мувофиқ, шу йилнинг кузида «Давлат рамзи тўғрисида»ги Қонуннинг Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги ижросини таҳлил қиламиз.

«Халқ сўзи» мухбири
И. ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.

● *ҲОКИМЛИКЛАРДА*

ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Кашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ва Хўжалик-процессуал кодексларининг лойиҳалари муҳокамасига бағишланди.

Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мутахассислар, олимлар иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими О. Пармонов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, Тошкент юридик институти профессори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ш. Шораҳметов ўз маърузаларида ҳар икки кодекс лойиҳаларида илгари сурилган масалаларни изоҳлаб бердилар, ушбу ҳужжатларнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятига тўхталдилар.

Йиғилишда кодекс лойиҳаларини такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар баён қилинди, амалий таклифлар билдирилди.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● *РАСМИЙ ТАШРИФ АРАФАСИДА*

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Хабар қилинганидек, Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев 18-19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади

Тарихи ва маданияти қадимдан бир-бирига туташ Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги алоқалар равнақи ҳозир ҳам ҳар икки томон учун бирдай муҳимдир. Шу маънода, Озарбайжон раҳбарининг мазкур ташрифи ҳар икки мамлакат учун алоҳида аҳамият касб этади.



Яъни, замон билан ҳамқадам юриш, ўзаро ҳамкорликда шу кунгача амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва сиёсату иқтисод майдонида юзага чиқаётган янгича мезонлар асосида борди-келдини мустаҳкамлаш учун шундай ташрифлар зарурлиги табиий.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатлар янги миллий инфраструктура тузилмаларини яратиш, мамлакатни собиқ тоталитар режим мерос қолдирган иллатлардан халос этиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш каби аниқ мақсадлар сари қадам ташладилар. Озарбайжон Республикаси танлаган йўл ҳам айни шу мезонлар билан ўлчанади. Умуман, Озарбайжон учун мустақилликнинг дастлабки йиллари жуда оғир кечгани маълум. Бир неча йиллар давом этган сиёсий беқарорлик мамлакат иқтисодий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Давлат тепасига Ҳайдар Алиевдек дунё кўрган, тажрибали сиёсатчи келгач, талотўплар ҳовури тиниб, мамлакатда туб сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Натижа шу бўлдики, қисқа вақт ичида Озарбайжон иқтисодий юксалиш йўлига кирди.

Озарбайжон МДҲ давлатлари ичида иқтисодий салоҳияти катта республикалардан биридир. Бунинг асосий сабаблари сифатида мамлакатнинг ерости заҳираларига бойлиги, саноати ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланганини айтиш мумкин. Хусусан, Озарбайжон ёқилғи заҳираларига бойлиги жиҳатидан дунёда олдинги давлатлар сирасига киради. Бироқ тўрт йиллик уруш, мамлакатда ҳукм сурган сиёсий беқарорлик ана шу имкониятларни ишга солишга тўсиқ бўлди.

Шу ўринда бир фикр қўнгилдан кечади: халқимизда «Бошидан ўтган табиб», деган нақл бор. Тинчлик, хотиржамлик, деган тушунчалар қанчалик лазиз эканини бугун ҳар бир Озарбайжон фарзанди юрак-юракдан ҳис этади, идрок қилади.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар жараёнида «сокинлик» кузатилди. 1996 йил май ойида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг Кавказорти республикалари, хусусан, Озарбайжонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида томонлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган талай ҳужжатлар имзоланди. Айниқса, иккала мамлакат Президентларининг Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон Республикалари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолагани мазкур ташрифнинг асосий мазмунини ташкил этди, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобиль ва темир йўл алоқалари, юк ташиш, сайёҳлик ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид йигирмага яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам имзоланган эди. Айни пайтда бу ҳужжатлар ҳаётда ўз амалий ижросини топаётгани ҳам мақсадларимиз муштараклигининг яна бир тасдиғидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири коммуникация экани маълум. Давлатимиз раҳбарининг Кавказорти республикаларига ташрифи чоғида ҳам Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг мустаҳкамланишида коммуникация -- халқаро Транскавказ йўлагини барпо этиш жуда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Ислом Каримов ушбу масалага алоҳида тўхталар экан, Ўзбекистон Боку портларини таъмирлаш учун сармоя киритишга тайёр эканини айтган эди. Албатта, бунинг энг асосий сабаби Ўзбекистоннинг Европага чиқиши учун Озарбайжон портлари қулай восита эканида кўринади.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳужжатни эслаб ўтиш керак. Яъни, 1996 йили Сарахсда (Эрон) Туркманистон, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Грузия ўртасида имзоланган битим биз юқорида айтган коммуникация масаласида муҳим силжиш бўлди. Қолаверса, Марказий Осиё ҳамда Кавказорти мамлакатлари ЭКО доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилаётир. Бунда Ўзбекистон билан Озарбайжон, шунингдек, ташкилотга аъзо бошқа мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари эса коммуникация тармоқларини, савдо алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқдир.

Юқорида айтилган гаплар чуқур асосга эга. Зеро, орзулари бир-бирига эш бўлган Озарбайжон ва Ўзбекистон халқлари ўзининг фаровон келажагига асос солишдек эзгу мақсадлар билан қадам ташламоқда. Бу йўлда эса ҳамжиҳатлик билан иш кўриш, албатта, хайрлидир. Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлди. Уни Конституциявий суд раиси Б. Эшонов бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида қабул қилинган норматив ҳужжатлари хусусидаги, шунингдек, «Педагог ходимлар билан меҳнат шартномалари тузишнинг контракт шаклига ўтиш тўғрисида»ги қарорининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда республика Бош прокурори Б. Мустафоев, адлия вазири С. Мирсафоев, Олий суд раиси У. Мингбоев, Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов қатнашди.

(ЎзА).

ОҚСОҚОЛЛАР ЙИҒИНИ

Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимиятида шу ҳудудда жойлашган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, олий ва ўрта махсус билим юртлари раҳбарлари ҳамда ўрта мактаб ўқитувчиларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Шаҳарча ҳокими А. Акромхўжаев йиғилишни очиб, ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш, оилани давлат ва жамиятнинг мустаҳкам таянчига айлантириш нафақат ижтимоий, балки сиёсий аҳамиятга молик масала эканлигини таъкидлади. Зеро ҳозирги пайтда талабаларга чуқур ҳуқуқий билим бериш, уларда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни шакллантириш долзарб вазифага айланди.

Мустақил мамлакатимизнинг янгича тафаккурдаги баркамол авлодини вояга етказиш, иқтидорли ёшларга чуқур билим бериш йўлида олимлар, мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, айниқса, муҳимдир.

Н. УСМОНОВА.

● *МИЛЛИЙ ДАСТУР*

БУГУННИНГ ЭРТАСИ

Кимларнингдир орзуси ушалган, кимларгадир армон бўлиб қолган, кимларнингдир насибаси қўшилган, кимларгадир насиб айламаган муқаддас даргоҳ — Тошкент давлат университети. Ўша орзуси ушалган, насибаси қўшилганларнинг бор-йўғи беш-олти йили шу ерда ўтади. Бу қисқа муддат инсон умрининг бир бўлаги, асли ёшликнинг олтин палласи. Лекин унинг вазни, ўлчовининг тоши йўқ. Сабаби аник: арзимагандек кўринган шу беш-олти йил умр мазмунини белгилайди, ҳаёт мезонига айланади. Бу ҳаётда ҳамма нарса ўтиб кетгач, қадрли туюларкан. Шундай ўйҳаёл билан беш йиллик қадрдон, мўътабар масканга келдим. Максад, куни кеча мамлакатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган йиғилиш таассуротлари ю, республиканинг энг ёши улуғ дорилфунунининг эртанги хаёти билан танишиш эди. Буни қаранг, хушхабар устидан чиқдим: Берлиндан келган шартнома билан танишаётган Тўрабек Долимов: «Бу ўн бешинчиси», деди кулиб.

Тўрабек Нўъмонович ДОЛИМОВ — Тошкент давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, академик. Тўғри сўз, бир ишни бошласа, охирига етказмай қўймайди. Қандай қилсаки, ўзи раҳбарлик қилаётган бу олий ўқув юрти дунёдаги йирик университетлар қаторидан ўрин олса, унинг талабалари жаҳон микёсидаги етук мутахассислар бўлиб етишишса...

-- Домла, куни кеча бўлиб ўтган йиғилиш, фикр алмашувда таълим-тарбия тизимида ўзгаришлар сезилмаётгани таъкидланди.

-- Жамиятимиз мустақиллиқнинг кейинги бир неча йилида иқтисод, давлат қурилиши, сиёсий соҳада жуда тез одимлаб кетди. Таълим тизими эса бу жараёндан анча орқада, чунки у эски тизимга мосланган, ўша даврда тузилган ва унинг ғоялари билан суғорилган эди. Мамлакатимизга бозор иқтисодиёти кириб келди, янги демократик давлатнинг ҳуқуқий асослари яратиляпти. Таълим тизими эса, аксинча: ўша-ўша, илгаригидек «бер-бер»лар, боқимандалик кайфияти, асосан давлатдан нажот кутиш ва ҳоказо.

-- Ўзимиз ҳам ўша тизимда шу олий ўқув юртини битирганмиз-да.

-- Андишангизни тушуниб турибман. Аммо гап конкрет олий ўқув юрти эмас, тизим ҳақида кетаяпти. Ўша тизим совет даврида тузилган, советлар ғоясининг ҳимояси учун яратилган эди. Биз СССР тарихини, Россия, Греция, Миср тарихини ўрганардиг-у, аммо ўзимизнинг тарихимизни, ўз алломаларимизни деярли унутиб бўлгандик. Даҳшатлиси шундаки, биз буюк Амир Темуримизни ҳам унутаёздик. Кўп қадимги олимларни аллақандай гуноҳларда айблаб, душманга чиқариб қўйдик. Ўқувчини дунё фанидан ажратиб, фақат бир мамлакат фанига боғлаб қўйган эдик. Унда Ғарб ва Шарқ олимлари тўғрисида маълумот деярли бўлмасди. Бир эслаб кўринг: парвоз десак, Черепановни, радио десак, Поповни билардик. Биз буни энди англаяпмиз. Шарқ фалсафаси, Шарқ ҳуқуқи, Ислом ақидалари, урф-одатлари, Шарқ университетлари ҳақида ҳеч вақо йўқ эди. Аммо шунга қарамай, республикамизда бир қатор буюк олимлар етишиб чиқди ва улар ўз мактабларини, анъаналарини яратдилар.

Мамлакатимизда бошланган бу ислоҳотлар менимча, кўп йиллик муддатни ўз ичига олади ва шунинг учун уни бир неча даврларга ёки босқичларга ажратиш зарур. Биз нимани ислоҳ қилишимизни ва бўлажак натижани аниқ тасаввур этишимиз керак. Дейлик, 2005 йилда ҳар бир олий ўқув юрти қандай бўлади, унинг ички тузилиши, асосий йўналишлари нимадан иборат бўлади? Ва, ниҳоят, қандай йўналиш бўлмасин, ислоҳот механизмлари кетма-кетлик, эволюцион принципларга риоя қилиш даркор. Албатта, биз ўз мамлакатимиз олий ўқув юртлари тажрибасидан, Шарқ университетлари анъаналари, халқимизнинг бой мероси ва дунё тажрибасидан фойдаланишимиз зарур. Масалан, ҳозир тарғиб қилинаётган «кўп босқичли тизим» илгари ҳам бўлган (кичик мутахассис-бакалавр-магистр-аспирант-докторант). Гап у ёки бу мамлакатнинг моделини Ўзбекистон шароитига мослаштиришда эмас, балки ўзимизнинг тажрибамиздан келиб чиқиб, мавжуд тизимни кескин, тубдан ўзгартириш, уни ривожланган мамлакатлар тизими даражасига етказишдадир. Фикримча, ислоҳотни биринчи навбатда ўзимиздаги мавжуд бўлган педагогик жамоадан бошлашимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ СОНДА:

2-бет ТОШЛОҚ ИПИ -- ЖАҲОН ТЎҚИМАЧИЛАРИГА

ДАЛАДАГИСИМАС, ҲИРМОНДАГИСИ ҲИСОБ

4-бет ИСТИҚЛОЛ ҲАДЯ ЭТГАН ТУЙҒУ

● *ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ*

ТОШЛОҚ ИПИ -- ЖАҲОН ТЎҚИМАЧИЛАРИГА

Тошлоқ нафақат Фарғона водийси, балки республика пахта тозалаш саноатининг кўҳна масканларидан бири ҳисобланади. Тумандаги пахтани қайта ишлаш корхонаси асримиз бошларида бунёд этилган. Қарийб бир аср мобайнида бу ерда тайёрланган хомашё Россия, қолаверса, Европадаги қатор мамлакатларнинг енгил саноат корхоналарига етказиб берилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ана шу анъана барҳам топди. Тошлоқда Жанубий Кореянинг «ДЭУтекстиль» корпорацияси сармояси ҳисобига йирик корхона бунёд этилди. Бу дунёдаги машҳур корхоналар билан ҳам сифат, ҳам маҳсулот тури жиҳатидан бўйлаша оладиган корхонадир. Унда жаҳон тўқимачилик саноати учун ғоят зарур бўлган СД 20,5, СД-30,5-С, СМ-30 типидаги ип маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Атиги бир йил аввал ушбу корхона ўрнида нотўқима матолар ишлаб чиқарадиган фабрика мавжуд эди. Жанубий кореяликлар фарғоналик тўқимачиларнинг анъанавий тажрибаси ва маҳоратини ҳисобга олиб, шу корхона негизида ип-йигирув корхонаси қуришни ўз зиммаларига олдилар. Ўтган даврда улар шу мақсадга 60 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағи сарф этишди.

Янги корхона ишга тушиб, тажриба тариқасида маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганига ҳам икки ойдан ошди. Шу муддат ичида барча техник жараёнлар, ускуналар, мураккаб технология билан бошқариладиган дастгоҳлар қайта-қайта синовдан ўтказилди. Ишчиларнинг аксарият қисми эса Жанубий Кореядаги бош корхоналарда малака ва иш ўрганиб қайтдилар. Ҳозиргача бу ерда 800 дан ортиқ ишчи ўрни очилди. Муҳими, нафақат янги корхонанинг цехларидаги асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар замонавий қиёфага эга бўлди, балки унинг 75 минг квадрат метрлик сатҳи ҳам Корея мутахассислари, тошлоқлик бунёдкорларнинг маҳоратлари туфайли гўзаллик касб этди.

Одатда, бундай йирик корхоналарни бунёд этиш вазифаси чет эллик қурувчиларга ишониб топшириларди. Бу корхонани қайта қуриш ишларини эса «Фарғонасаноатфуқароқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 2-4- махсус қурилиш бошқармалари ва Тошлоқ туманидаги қатор қурилиш ташкилотлари амалга оширдилар.

Корхонанинг ишга тушиши арафасида Президентимиз Ислом Каримов бу ерга ташриф буюриб, унинг фаолияти, қурилиши, дастгоҳларнинг ўрнатилиши билан атрофлича танишган эди.

-- Президент Ислом Каримовнинг тўқимачилик саноатини чуқур билиши менда катта таассурот қолдирди, -- дейди «ЎзДЭУтекстиль» корхонаси президенти Чон Хон Жу. -- У киши ўрнатилаётган дастгоҳларнинг Швейцария, Хитой ва бошқа давлатлардаги дастгоҳлардан фарқи, қуввати, тайёрланаётган ипнинг сифати, пишиқлиги ҳақида мутахассислардай гаплашди. Айниқса, ускуналарнинг экологик талабларга қандай жавоб бериши ҳақида жиддий суҳбатлар бўлди.

Ҳозирги кунда 69 минг 920 та урчуқдан иборат бу корхонада кунига 45 тонна атрофида жаҳон тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Агар у тўла қувват билан ишга туширилса, йилига 13 минг тонна юқори сифатли ип тайёрланади.

Айни кунларда корхонанинг иккинчи навбатини бунёд этиш тадбирлари ҳам кўрилаяпти. Хусусан, 200 та пневматик тўқимачилик дастгоҳи ўрнатилади.Тўқимачилар шаҳарчаси қад ростлайди. Бунинг учун алоҳида жой ажратилган.

Янги корхона келгусида мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз. Ҳозирча эса бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг дастлабки қисми контейнерларга юкланди. У биринчи навбатда Германиянинг Франкфурт, Японияннинг Осака шаҳарлари ва Сингапур тўқимачиларига жўнатилади. Тез орада эса Тошлоқ ипини ортган вагонлар дунёнинг турли бурчакларига ҳам йўл олади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУГУННИНГ ЭРТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

-- Демак, аввал ўқитувчи, доцентни ислоҳ қилиш керак...

-- Шундай. Йиғилишда Президентимиз ҳам бунга алоҳида урғу бердилар. XXI асрда ишлайдиганлар ҳали мактабда ёки олий ўқув юртида ўқимоқда. Биз ислоҳотни мавжуд педагогик жамоа билан бошлашимиз аниқ. Шундай экан, ўқитувчиларимизнинг малакасини ошириш, уларни қайтадан тайёрлаш жуда мураккаб масалага айланади. Илгари қандай бўларди? Маълум режа бўйича ўқитувчилар МДУ ёки бошқа бир марказдаги институтга бориб, икки-уч ой «малака ошириб» келар, кейин бамайлихотир юраверарди. Энди-чи? Менда бу соҳада шундай таклифлар бор. БИРИНЧИДАН. ЎзФА илмий базасидан унумли фойдаланишимиз зарур. Сир эмас, академиянинг илмий салоҳияти, ундаги асбоб-ускуналар ва мутахассислар анча салмоқли ва етарли. Бу ерга келган ўқитувчи, албатта, ё бир илмий иш, ё бир қўлланма тайёрлаб, институт семинарида қатнашиши керак. ИККИНЧИДАН. Етакчи олий ўқув юртлари, жумладан, университетимизда бир қатор ТАСИС--Темпус ва бошқа хорижий мамлакатлар грантлари бор. Шулар орқали ўқитувчилар хорижий олий ўқув юртларида малакаларини ошириши шарт. Университет уч-тўрт йил ичида Германияда (Гёте институти), Англияда (Эксетер), Францияда (Ренн), Данияда (Копенгаген) шундай ишларни амалга оширди. Албатта, кўпчиликни хорижга юбориш учун ҳозир шароит йўқ. Лекин мамлакатимиз раҳбарининг бунинг учун лозим бўлса «Умид»га ўхшаш махсус жамғарма ташкил этиш кераклиги ва ҳатто юқори босқич талабаларининг ҳам ўқувнинг охирги йилларини дунёдаги илғор ўқув масканларида ўтказишларига имконият яратиш лозимлиги ҳақидаги фикри айни муддао бўлди. Зеро, бу истиқболли йўллардан бири. УЧИНЧИДАН. Олий ўқув юртининг ўқитувчиси, албатта, амалиёт билан боғлиқ бўлиши шарт (бу хўжалик шартномалари, консультациялар ва ҳоказо). Шунинг ўзи ҳам унинг малакасини оширади. Фақат буни тартибга келтириб, малакасини ошириб, ўқитувчига имтиёзлар берилади. Яна бир мулоҳаза: ўқитувчига ҳозир қийин. Аммо у олий ўқув юртида ишлар экан, ҳақиқий фан билан шуғулланиши лозим. Бу асосий талаб, мезон. Биз қанча ҳаракат қилмайлик, агар ушбу талаб бажарилмаса, малака ошириш олдинга сурилмайди, чунки бу бир кунлик мавсумий нарса эмас. Булар йирик олий ўқув юртлари ҳақидаги фикрлар, аммо вилоят университетлари ҳам Ўзбекистон ФА, йирик университетлар орқали иш бошлаши мумкин.

-- Гапингизни бўламан-у, домла, биз ўқиган пайтларда тушунчамиз соддароқ бўлганми, ҳар ҳолда университет деганда, бу ерда асосан фан чуқурлаштириб ўргатилади, кашфиёт қилинади, деган тасаввур бўлган. Университетнинг институтдан фарқи шунда деб ўйлардик. Ҳозир эса бу фарқ гўё йўқдек...

-- Бу ҳам асли ислоҳотларга бориб тақалади. Дунёда ҳозир нима кўп -- олий ўқув юртлари кўп. Айниқса, кейинги 15-20 йил ичида Европа ва Осиёда улар жуда ривожланиб кетди, тури ҳам инчунун. Аммо булар орасида университет таълими олий таълимнинг чўққиси ҳисобланади. Буларни мумтоз университетлар, дейишади ва дунёда улар ҳам кўп эмас (Сорбонна, Оксфорд, Кембридж, Найдельберг, Геттинген). Булар бошқа олий ўқув юртларидан нима билан фарқ қилади? Фан ўша ерда. Ўқув жараёни илмий изланишлар билан чамбарчас боғлиқ. Демак, бу мумтоз университетлар ўз илмий мактабига, илмий муассасасига эга. Бу энг асосий фарқ. Шу нуқтаи назардан республикамизда 5-6 университетни кўрсатишим мумкин. Ҳозир университетларда педагоглаштириш анъанаси авж оляпти. Бу давр тақозоси бўлса керак. Аммо олий ўқув юртларида фан ривожланмас экан, янги илмий йўналишлар пайдо бўлмас экан, биз олдинга юра олмаймиз. Менимча, ислоҳот жараёнида майда, саёз, кичик олий ўқув юртларининг географиясини кўриб чиқиш керак. Шу билан бир вақтда ҳамма олий ўқув юртларни таснифлаш даркор. Чунки уларнинг салоҳияти, солиштирма оғирлиги, тутган ўрни, олиб бораётган илмий ишлари ҳар хил. Уларни уч ёки тўрт гуруҳга ажратиш керак: а) давлат аҳамиятидаги, б) ҳудудий, в) тармоқ олий ўқув юрти. Фақат шундай таснифдан сўнг уларнинг маблағини, ўрнини қонун билан белгилаш зарур.

-- Сизнингча, қай бири бизнинг шароитга тўғри келади?

-- Ҳамма тури бизда бор ва ҳаммаси ҳам керак. Фақат уларни бирхиллашдан қочиш лозим. Ҳар бирининг ўз ўрнини, салоҳиятини аниқлаш ва яна қайтараман, қонун орқали тасдиқлаш керак. Ҳозир ҳаммаси бир хил, бу ислоҳот жараёнида ўзгаради, деган умиддамиз. Қанчалик оғир бўлса-да, шуни айтиш керакки, иккита бир хил ўқитувчи бўлмаганидек, иккита бир хил олий ўқув юрти ҳам йўқ. Хилма-хиллик -- бу бойлик.

-- Яхши. Биз ислоҳот жараёнида ўқитувчининг тутган ўрни ҳақида фикр юритдик, талаба-чи? Ахир замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш, ишни йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи лозимлиги ҳам таъкидланди-ку, йиғилишда.

-- Талаба ўқув жараёнининг асосий фигураси. Биз бу тўғрида кам ўйлайдиган бўлиб қолдик. Масалан, студентларнинг илмий жамиятлари бўлар эди (СНО), ҳозир у йўқолиб кетди. Шунинг учун бўлса керак, ўқиш жараёни анча сусайиб қолди. Тўғри, етишмовчиликлар кўп, бу тўғрида гапирмоқчи эмасман, аммо бир неча мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Талабада ўқишга қизиқиш пасайиб кетди, деган фикр ҳозир кўпчиликнинг оғзида. Менимча, бу анча мулоҳаза қиладиган, баҳсли фикр. Агар шундай бўлса, нега конкурслар катта? Болада ўқишга қизиқиш сусайгани рост ҳам дейлик, сабаби нимада? Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бунда асосий айбдор -- биз! Биз, ўқитувчилар боланинг қобилияти, унинг хоҳиши, иқтидорини очолмаймиз, бунга ҳаракат ҳам қилмаймиз. Лекция ўқилади, бола ёзса ёзади, бўлмаса ўтиравeради. Чунки асосий услубимиз шу! Бола биз берган ахборотни яна ўзимизга қайтаради. Бу унда фикрлаш қобилиятини йўқотади. Сир эмаски, кўпчилик талабалар у ёки бу факультетга, мутахассисликка кўпинча тасодифан, ўйламасдан киришади. Юртбошимизнинг «85 мутахассислик бўйича тайёрланаётган кадрларнинг қай бирига эҳтиёж катта-ю, қайсисига камроқ, буни аниқлаш керак. Шунга қараб давлат буюртмаси шаклланади» деган фикрлари ўринли. Ўқишга қизиқишни сусайтиришнинг яна бир сабаби -- студентдаги масъулиятсизлик. Билмадим-у, аммо талабани текинга ўқитавериб жуда талтайтириб юбормадикми? Давлатнинг пулига студентни беш йил ўқитамиз-да, у хоҳлаган томонга кетаверади. Аслида бозор муносабатлари шароитида аълочи талабанинг харидори кўп бўлиши керак. Олий таълимдаги асосий камчилик ҳам шунда эмасми, деб таъкидланди йиғилишда. Қолаверса, олий ўқув юртида фақат обрў учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш керак. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари мутахассислик шаҳодатномасининг нуфузини кўтариш, ҳамманинг билимига қараб турли даражали дипломлар беришни жорий этиш зарурлигини таъкидладилар. Ваҳоланки, диплом олгунига қадар ўрта ҳисобда ҳар бир талаба давлатга 500 минг сўмга айланади (Ғарбда эса 15-20 минг доллар). Бизда ўқиш жуда арзон.

-- Демоқчисизки, абитуриент билан ўқишга киришдан олдин шартнома тузиб олиш керак, шундайми?

-- Тажриба шунинг тўғрилигини кўрсатади. Ислоҳот жараёнида бу масалани батафсил ўрганиб чиқиш керак. Банк ёки жамғармалар («Умид», «Камолот») болага кредит бериши мумкин, аммо унинг олдига бир-икки шарт ҳам қўйилиши лозим. Агар студент яхши ўқиса, берилган кредитдан кечилади, ёмон ўқиса -- тўлайди. Матбуотда бу тўғрида академик М. Мусахонов Канада тажрибасини келтирган ва мен ўзим ҳам кўрганман бундай тажрибани. Бундан ташқари, ўқишга ўз ҳисобидан кирувчиларга ҳам кенг йўл очиб бериш керак.

-- Балки сиз айтган тажриба орқали студентнинг ўқишга нисбатан масъулиятини ошириш мумкин бўлар?

-- Бола олий ўқув юртига кирганидан сўнг, республика фуқароси сифатида масъулиятни сезиши, ҳис этиши керак-да, ахир.

-- Ваҳоланки, тарбия ҳам шу масъулиятни ҳис қилиш, қилмасликдан келиб чиқади. Сал кенгроқ мушоҳада қилинса, таълим яхши йўлга қўйилган жойда тарбия ҳам шунга яраша бўлади.

-- Ҳа, баракалла. Чунки тарбиянинг асосий воситаси -- меҳнат. Илм олиш, ўқиш оғир, машаққатли меҳнат. Биз эса буни ўргатишга анча заифлик қиляпмиз. Шу сабабдан ҳам ислоҳот жуда зарур.

-- Домла, ислоҳотнинг баъзи жиҳатлари тўғрисида сўзлашяпмиз-у, аммо маблағсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Айниқса, ҳозирги шароитда...

-- Маблағ масаласи илгари ҳам, ҳозир ҳам ва келгусида ҳам жуда долзарб бўлиб қолаверади. Чунки ҳеч бир олий ўқув юрти менга маблағ етди, демайди. Биз давлат тасарруфидаги олий ўқув юртида ишлаймиз. Давлат эса баҳоли қудрат бизга маблағ ажратиб турибди. Маош ва стипендия мунтазам тўланади. Бунинг қадрига етиш керак! Аммо бу етарлими? Йўқ, албатта. Юқори ташкилотларга бор масалани кўндаланг қўйиш мумкин, аммо бу энг осон, демак, бесамар йўл бўлса керак. Бу вазиятда биз энди ўзимиз бош қотиришимиз керак. Яқин йилларда олий ўқув юртида «бюджетдан ташқари маблағлар» тушунчаси пайдо бўлди. Бу -- контрактлардан, хўжалик шартномаларидан, бошқа хизматлардан тушган маблағ. Истиқбол мана шу маблағларни кўпайтиришда. Мен контракт тўғрисида гапирмоқчи эмасман, чунки уни ҳам давлат беради. Аммо бир қатор йўллар борки, бу ҳақда айтмай бўлмайди. Биринчидан, бу хўжалик шартномалари, ҳар хил илмий-эксперт хизматлар, давлат грантлари ва ҳоказо. Салоҳиятли, долзарб илмий мавзуларни бажара оладиганлар бунда анча маблағ ишлаши мумкин. Иккинчидан, биз хорижий илмий ва маърифий (Сорос, Фулбрайт...) жамғармалари билан деярли ишламаймиз, очиғи, ишлашни билмаймиз. Тўғри, улардан маблағ олиш анча мураккаб. Унга ташаббус, қаноат, чидам керак. Балки тажрибамиз етмайди, балки чидам, матонат. Аммо бошқа мамлакатларда бу асосий йўллардан бири... Учинчидан, билим -- бу товар. Халқимиз илмга чанқоқ. Демак, биз бу товарни ўз эгасига сотишни ўрганишимиз керак. Ҳар хил курслар, дарслар, консультациялар ташкил қилиб, илмга бўлган заруриятни қондиришимиз лозим.

-- Маблағ топилса, унда маошни ошириш мумкин бўлади. Лекин ҳамманики бир хил ошадими?

-- Тўғри савол. Ҳамманинг ҳам катта маоши бўлса қанийди. Аммо уни топиш керак. Анчадан бери бир фикрни гапириб келаман: мен ҳаммага бирданига маош оширилишига қаршиман. Нега? Чунки маош меҳнатнинг баҳоси. Яхши ва унумли ишлаган одам кўпроқ олиши керак. Бизда эса ҳамма бир хил. Шу боис ислоҳот бунга чек қўяди, деган умидданман.

-- Бир оғиз сизни қувонтирган юқоридаги шартнома хусусида...

-- У Германиядан келди. ТошДУ ва Берлиннинг Фрайе университети, Этнология институти, Туркология институти ва Шарқий Оврупа институтлари орасида Ўзбекистонда ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳақида. Имзолаш учун юборишган. Бундай ишларимиз, ўйлайманки, ҳукуматимиз қўяётган талабларга мос.

Танлаган тараққиёт йўлимиздан изчил боришимиз, ўтказаётган ислоҳотларимиз самарадорлигига эришишимиз, халқимизнинг қиёфаси, дунёқараши ўзгариши учун замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича тузилаётган дастур бизга ҳаракатимиз асоси бўлиб хизмат қилиши лозим

Умида ФАЙЗИЕВА
суҳбатлашди.

● *«ҒАЛЛА - 97»*

ДАЛАДАГИСИМАС, ХИРМОНДАГИСИ ҲИСОБ

Бу йил ғаллазорларимизда ҳар қачонгидан баракали ҳосил етиштирилди. Чунки кузда ҳар бир танланган нав ўз хусусиятига қараб, белгиланган фурсатларда экилди, вақтида озиқлантирилиб, сифатли парвариш қилинди. Айни вақтда бутун эътибор ризқ-рўзимиз бўлган донни нест-нобуд қилмай, саранжомлаб олишга қаратилган.

Мутахассисларнинг фикрича, далаларда режани уддаласа бўладиган, ҳатто ундан-да мўлроқ ҳосил пишиб етилган. Зеро, ғаллакорларимиз нияти ҳам баланд: ялпи маҳсулот 4 миллион тоннага етказилиб, унинг 2 миллион тоннадан зиёдроғи давлатга топширилиши лозим.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозирги кунгача /16 июнь ҳолатига кўра/ 190 минг гектардаги ҳосил саранжомланиб, давлатга 360000 тоннадан ортиқ дон топширилди. Хирмонга эса 617000 тоннадан кўпроқ ҳосил тўкилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 434 минг тонна кўпдир. Кунлик ўрим-йиғимда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган, Бухоро ва Андижон вилоятлари деҳқонлари карвонбошилик қилишмоқда. Айни пайтда республикамиз далаларида жами 8159 та машина ишламоқда. Шундан 637 таси замонавий «Кейс» комбайнларидир.

Етиштирилган ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олиш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш учун эса «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси ва унинг жойлардаги бўлинмаларида пухта тайёргарлик кўрилди. Бу йил улар давлат буюртмаси бўйича республикадаги шу соҳага ихтисослашган хўжаликлардан 2 млн. 8800 тонна ғалла қабул қилиб оладилар. Айни пайтда корпорациянинг жойлардаги 168 корхонасида иш қизғин бормоқда.

Аммо кўнгилни тўқ қилиб, хотиржам бўлишга ҳали эрта. Мақсад -- машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни саранжомлаш экан, бунинг учун янада ғайрат ва шижоат кўрсатмоғимиз зарур. Зеро, халқимиз «Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб», деб бежиз айтмаган.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили агрегатларни мавсумга тайёрлашдаги лоқайдлик туфайли ҳосилни ўриб-янчиш ишлари айрим хўжалик ва туманларда июль ойининг охиригача чўзилиб кетганди. Натижада пишиб етилган бошоқлар чатнаб, ҳосилнинг анча қисми нобуд бўлганди. Ўша мавсумда Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида суғориладиган пайкаллардан ўртача 15-20 центнердан ҳосил олинганди, холос. Ўйлаймизки, бу хато энди такрорланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳукуматимиз бу йилги ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида деҳқонлар манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Агар ўтган йили доннинг давлат харид нархи жаҳон бозоридаги баҳонинг 70 фоизи миқдорида белгиланган бўлса, бу йил 80 фоизга тенг бўлди. Давлат буюртмасидан ташқари топширилган ҳосил учун эса қўшимча ҳақ тўланади.

Кўриниб турибдики, республикамизда бошланган ғалла ўрим-йиғимини 20-25 иш кунида якунлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат астойдил меҳнат қилиш керак.

-- Бу йилги мавсумни қисқа муддатларда, нобудгарчиликларсиз ўтказишдан кўзда тутилган мақсад -- ҳосилдан бўшаган майдонларга тез фурсатда яна қайта экин экишдир, -- дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғаллачилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари З. Латипов. -- Агар мавсумни белгиланган муддатларда ниҳоясига етказа олсак, такрорий экинлардан мўл ҳосил етиштириш имконига эга бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз дастурхонининг қанчалик тўкин бўлиши ғаллакорларнинг шу кунлардаги ғайратига боғлиқ.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон тумани деҳқонлари бу йил 4200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53,4 центнердан дон йиғиб олиш ва ялпи хирмон салмоғини 23 минг тоннадан оширишга қарор қилганлар. Айни пайтда барча комбайн ва транспорт воситалари ғалла экинларини ўриб-йиғиб олишга сафарбар қилинган. «Кейс» русумли комбайнларнинг иш унумини янада ошириш, уларнинг ҳар бири билан мавсумда 600 гектар майдондаги ҳосилни ўриб олишга ҳаракат қилинмоқда.

СУРАТДА: туман машина-трактор паркининг илғор комбайнчиси Илҳомжон Эргашев. У «Кейс» комбайнини маҳорат билан бошқариб, ҳамкасбларига намуна бўлаётир.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Қашқадарёдан хушхабар келди: Китоб туманидаги «Китоб» деҳқончилик-саноат фирмаси ғаллакорлари зафар қучдилар. 220 гектар майдонга яхши ниятлар ила экилган сара уруғлардан бўлиқ ҳосил олинди. Шу кунгача 120 гектар майдондан 470 тонна дон топширилиб, давлат буюртмаси ошириб уддаланди.

Фирма бош директори Зариф Бурҳоновнинг айтишича, ҳосилдорлик 38 центнер ўрнига 50 центнерни ташкил этди. Ҳали далада ҳосил мўл. 60 центнерлик марра, албатта, эгалланади.

Дилфуза ЭРГАШЕВА.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

БИР ТЎХТАМГА КЕЛИШДИ

Брюсселда Европа Иттифоқи (ЕИ)га аъзо давлатларнинг «саммити» ниҳоясига етди. Йиғилиш иштирокчилари икки кун давомида ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг ягона иқтисодий валютага ўтиши ҳамда ЕИ га Шарқий Европа давлатларининг қабул қилиниши масаласида фикр алмашдилар.

Иттифоққа аъзо давлатлар молия вазирлари «Евро» атрофида турли қарама-қаршиликлар бўлишига қарамай, 1999 йилнинг 1 январидан уни жорий этиш тўғрисида бир тўхтамга келишди.

МУЗОКАРАЛАР НАТИЖА БЕРМАЁТИР

Экваториал Африкадаги Конго Республикаси пойтахти Браззавилда ҳукуматга қарашли ҳарбийлар билан қўзғолончи кучлар ўртасидаги уруш ҳамон тўхтаганича йўқ. Гарчанд қўшни Габон давлатининг Либревил шаҳрида қарама-қарши томонлар ўртасида бир неча кундан буён музокаралар давом этаётган бўлса-да, унинг таъсири сезилмаётир.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ТАДБИР

Грознийда Чеченистон Республикаси Президенти Аслан Масҳадов раҳбарлигида ўтказилаётган жиноятчиликка қарши кенг миқёсли «Ҳуқуқ-тартибот қалқони» тадбирининг иккинчи босқичи якунланди. Унда мингдан ортиқ ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимлари қатнашди. Тадбир давомида гаровга олинган 6 нафар шахс озод этилди.

Шу билан бирга, Чеченистонда изсиз йўқолган беш нафар россиялик журналистнинг тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

РОССИЯ ҚАРЗ ОЛМОҚЧИ

Жаҳон банки Россия Федерациясига умумий ҳажми 884,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 6 та кредит ажратишни мўлжалламоқда.

Ушбу маблағ мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа тизимларда аҳволни яхшилашга хизмат қилиши кўзда тутилган.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Маҳаллий телефон алоқаси шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқларини ўз ичига олади, турли мулкчилик шаклларига эга бўлган электр алоқа бирлашмалари ва корхоналари (бундан кейин матнда «электр алоқа корхоналари» деб ёзилади) томонидан маҳаллий телефон тармоғи минтақасига кирган бир ёки бир неча аҳоли яшайдиган пунктларда жойлашган фуқаролар, корхоналар, идоралар ва ташкилотларга телефон ва бошқа охирги қурилмалар орқали ахборот узатиш учун хизмат қилади.

1.2 Ушбу Қоидалар мулкчиликнинг нодавлат шаклига эга бўлган электр алоқа корхоналари томонидан телефонларни ўрнатиш ва жойини ўзгартириш ҳолларида мазкур корхоналарга нисбатан қўлланмайди. Иловага мувофиқ алоҳида шахсларга телефон ўрнатилганда бериладиган имтиёзлар бундан мустаснодир. Бунга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча электр алоқа корхоналари риоя қилишлари керак.

1.3 Маҳаллий телефон алоқаси иши кечаю кундуз амалга оширилади. Маҳаллий, халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқаси, шунингдек, телеграф, факсимил алоқаси, маълумот-ахборот ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун фуқароларнинг хонадонларида, корхоналарда, идора ва ташкилотларда телефон аппаратлари, телематик хизматларнинг охирги қурилмалари (телефакс, телекс, видеотекст) ва маълумот узатишнинг охирги қурилмалари (бундан кейин матнда «охирги қурилмалар» деб ёзилади) ўрнатилади. Охирги қурилмаларни умумдавлат тармоғига улаш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади. Бу фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга абонементлар очилади. Абонементлари очилган фуқаролар, корхоналар, идоралар ва ташкилотлар телефон тармоғи абонентлари деб аталади.

Абонент линиялари ва аппаратларига уланадиган телефон аппаратлари ва бошқа охирги қурилмаларни абонентлар ўз ҳисобидан сотиб олишади.

1.4 Электр алоқа корхоналари (шаҳар, туман ва таксофон алоқа боғламалари) таксофонларни турли жамоат жойларида, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларда ўрнатади.

1.5 Ўрнатилиш жойи бўйича телефонлар қуйидаги турларга бўлинади:

-- якка тартибда фойдаланиладиган хонадон телефонлари, улар алоҳида хонадонлар, уйлар, шунингдек, бошқа яшаш хоналарига ўрнатилади;

-- жамоа бўлиб фойдаланиладиган хонадон телефонлари. Умумий йўлак (даҳлиз) ёки умум фойдаланадиган бошқа хоналарда ўрнатилади;

-- корхона, идора ва ташкилотларда ўрнатиладиган идоравий телефонлар.

Уланишига қараб, телефон аппаратлари қуйидаги турларга бўлинади:

-- алоҳида линияга уланган асосий аппаратлар;

-- жуфтланган схема бўйича битта умумий линияга уланган ва турли рақамларга эга бўлган асосий аппаратлар;

-- асосий телефон линиясига уланган ва у билан бир хил асосий телефон рақамига эга бўлган параллел аппаратлар.

1.6 Электр алоқа корхонаси техник имкониятлар бўлганида абонентларнинг аризаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларига мувофиқ белгиланган нарх ва тарифлар бўйича ишларни бажаради ва хизмат кўрсатади.

1.7 Аҳолига телефон тармоқлари абонентлари телефон рақамлари ҳақида маълумот бериш учун алоқа корхоналари ўз таркибида маълумот-ахборот хизматларини ташкил қилади, зарур бўлганда телефон тармоқлари рўйхатларини нашр қилади ва қайта нашр қилади.

1.8 Электр алоқа корхоналарида шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқлари томонидан хизмат кўрсатиш масалалари бўйича аҳолини қабул қилиш ташкил этилади.

2. АСОСИЙ ТАРИФЛАР

2.1 Абонент (мижоз) -- электр алоқа корхонаси билан электр алоқа хизматларидан фойдаланиш юзасидан шартнома тузган жисмоний ёки ҳуқуқий шахс.

2.2 Абонемент очилган -- абонент қарзини тўлаганидан сўнг телефон алоқасининг уланиши (телефон алоқаси учун қарз бўлганлиги туфайли абонемент ёпилган эди).

2.3 Абонемент ёпилган -- телефон алоқаси узиб қўйилган ва телефон рақами жорий ойнинг 30 кунигача телефон алоқаси хизмати учун қарзини тўламаган абонентлар рўйхатига киритилган (бу рўйхат ҳисоб-китоб гуруҳи томонидан тузилади).

2.4 Охирги қурилмани рўйхатдан ўтказиш -- абонент карточкасида (варақасида), кроссда ва/ёки таъмирлаш бюросида қурилманинг тури ва русуми ҳақида ёзиш.

2.5 Абонемент ишини тиклаш -- телефон алоқасини ишлайдиган ҳолатга келтириш.

2.6 Абонемент ишини тўхтатиш -- абонементда кўрсатилган телефон рақами бўйича телефон алоқа хизмати кўрсатишни вақтинча тўхтатиш.

2.7 Телефонни жуфтланган схема бўйича улаш -- телефонларни жуфтлаш тўплами (комплекти)ни қўллаган ҳолда иккита абонентни битта телефон линиясига улаш (комплектлар телефон станциясида ва телефон қўйилган жойда ўрнатилади).

2.8 Охирги қурилмалар -- линияга улаш учун аризачи кўрсатган жойга ўрнатилган қурилмалар. Мультиплексор, модем, адаптер, телекс, телефакс, абонент рақаманиқлагич, шахсий электрон ҳисоблаш машинаси, факс-модем платалар, абонент телеграф аппаратлари, радиоузайтиргичлар, телефон аппаратлари ва ҳ. к. лар охирги қурилмаларга киради.

2.9 Охирги тақсимлаш қурилмалари -- техник қурилмалар: улар ёрдамида истеъмолчи учун телефон алоқаси ташкил қилинади. Охирги тақсимлаш қурилмаларига тақсимлаш шкафи, кабель қутиси (яшиги), тақсимлаш қутичаси киради.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

3.1 Телефон ва бошқа охирги қурилмаларни ўрнатиш учун фуқаролар, корхоналар, идоралар ва ташкилотлар электр алоқаси корхонасига белгиланган намунада ариза берадилар, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, хонадонга, уйга ва ҳоказо эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қиладилар.

Электр алоқа корхонасида телефон ўрнатиш учун ариза берган фуқаролар ҳисобга олиб борилади ва рўйхати сақланади. Навбат фуқаролар аризалари бўйича, телефон ўрнатишда имтиёзлардан (иловага қаранг) фойдаланувчи шахслар рўйхатида кўрсатилган тартибда ташкил этилади.

Корхона, идора ва ташкилотларда умумдавлат тармоғига чиқиладиган 8 тадан ортиқ телефон ўрнатиш зарурати бўлганида электр алоқа корхонаси томонидан аризачининг ўз маблағи ҳисобидан идоравий телефон станцияси ва уловчи линиялар қурилиши учун техник шартлар берилади. Агар янги абонент линияси (розеткадан охирги тақсимлаш қурилмасигача) узунлиги шаҳар телефон тармоғида 20 метрдан, қишлоқ телефон тармоғида 40 метрдан ошмайдиган бўлса, бажариладиган иш ҳажмидан ва зарур бўлган материаллар миқдоридан қатъий назар абонент томонидан рўйхатга олиш учун маблағ тўлангандан кейин телефонлар ўрнатилади. Телефонни улаш 10 кун ичида амалга оширилади, янги АТС ишга туширилаётган бўлса, абонентга розетка ўрнатилган кундан бошлаб 6 ойдан кечикмай телефон алоқасидан фойдаланиш имкониятини бериш шарти билан бу ишларнинг олдиндан (АТС эксплуатацияга берилгунга қадар) бажарилишига рухсат этилади. Кўрсатилган тўловга алоқа корхонаси телефон тармоғи абонентини расмийлаштиришни ва қайта расмийлаштиришни, телефон аппаратини ўрнатиш бўйича кросслаш ишларини, абонент линияси радиоузайтиргичидан фойдаланган ҳолда, бажаради. Рўйхатдан ўтказиш учун тўлов битта розеткани ўрнатиш учун зарур бўлган маблағни ўз ичига олади.

Алоҳида рақамли телефон ўрнатишнинг техник имконияти бўлмаганида, алоқа корхонаси раҳбарияти жуфтланган рақамли телефон ўрнатишни таклиф қилади, бунда телефон ўрнатишга имтиёзи бўлган аризачи билан келишилмайди. Агар аризачи жуфтланган телефон ўрнатилишига эътироз билдирса, унга келишилган нархда телефон ўрнатиб бериш таклиф қилинади. Яъни, томонларнинг келишувига кўра, аризачига телефон ўрнатишга шароит яратиш бўйича бажариладиган ишнинг қисми ёки ҳамма иш учун техник шартлар берилиши мумкин. Бунда шартномада қўшимча қурилиш ишлари учун тўлов кўзда тутилади (Қўшимча қурилиш ишлари учун тўлов рўйхатга олишга тўланадиган маблағдан ташқари асосий ва параллел телефонлар ўрнатилганда, рўйхатга олиш учун тўловда кўзда тутилган меъёрдан ортиқча материаллар сарф қилинганда ундирилади).

Абонент сарфланган материалларнинг ва бажарилган ишларнинг корхона (тузилма, бирлик) раҳбари томонидан тасдиқланган нархи бўйича ҳақ тўлайди, техник шартлар тақдим қилингани ва бажарилган ишлар қабул қилингани учун ҳам ҳақ тўланади.

Техник шартларни бажариш муддати 150 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Шартнома икки нусхада тузилади ва улардан бири абонентга берилади (шартномага имзо чекилгач, ариза телефон ўрнатиш учун рўйхатга олинган саналади), иккинчиси алоқа корхонасида абонентнинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

3.2 Қабул қилинган ариза қидирув ишлари учун пул тўланганидан кейин алоқа корхонаси томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак, шундан кейин аризачига кўзда тутилган ишларнинг смета нархини кўрсатган ҳолда телефон ўрнатишга шартнома лойиҳаси таклиф қилинади. Истеъмолчи лойиҳа-смета ҳужжатларини мустақил экспертиза қилиш ва шартномага ўз таклифларини киритиш ҳуқуқига эга. Аризачи рози бўлганида телефон ўрнатиш учун шартнома расмийлаштирилади, унда тўловлар (шу жумладан, рўйхатга олиш ва зарур бўлганда линия ишларини бажариш учун тўловлар)ни кўрсатган ҳолда томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек, ўрнатиш муддатлари акс эттирилади.

3.3 Шартнома бўйича энг катта муддат бир ойдан, магистраль тақсимлаш кабелларини ётқизиш ва қайта қуриш зарур бўлган ҳолларда 150 кундан ошмаслиги керак.

Алоқа корхонаси ва аризачининг ўзаро келишган муддати ҳар тўлиқ 25 кунга шартнома нархини 20% га оширган ҳолда қисқартирилиши мумкин.

Шартнома бекор қилинган ҳолда истеъмолчи аризаси 3.1-бандда баён қилинган тартибда ҳисобга олинади.

3.4 Фуқаролар янги яшаш жойига кўчганида телефонни рўйхатдан чиқариш, ўрнини алмаштириш, янги варақа очиш ва телефондан фойдаланувчи абонент номини ўзгартириш тартиби:

3.4.1 Абонент бошқа жойга кўчганида хонадонда ўрнатилган телефон унинг хонадонида қоладиган оила аъзоларидан бирининг номига ўзгартирилиши мумкин, абонент номини ўзгартириш учун тўлов амалдаги тарифларга мувофиқ амалга оширилади.

3.4.2 Хонадонлар алмашилганда ҳар икки хонадонда битта электр алоқа корхонасига тегишли телефонлар ўрнатилган бўлса, амалдаги тарифларга мувофиқ тўловларни амалга оширган ҳолда абонентларнинг номи ўзгартирилади.

3.4.3 Ҳар қандай асос билан фуқаролар телефонлаштирилган яшаш жойини сотиб олганларида янги яшовчидан ариза тушган ва рўйхатга олиш учун тўлов ҳажмида маблағ тўланган бўлса, мазкур охирги тақсимлаш қурилмаси бўйича имтиёзли навбатда турганлар бўлмаса, телефон бир ой давомида янги яшовчига қайта расмийлаштирилади.

Абонент телефонлаштирилган хонадондан чиқиб кетганида электр алоқа корхонаси унга маълумотнома беради. Бу маълумотнома Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг янги яшаш жойида имтиёзли тариф бўйича телефон ўрнатиб бериш учун асос бўлади. Маълумотномага электр алоқа корхонаси раҳбари томонидан имзо қўйилади.

3.5 Телефон тармоғи абоненти бўлмаган корхона, идора, ташкилот телефонлаштирилган хоналарни эгаллаган тақдирда ҳар бир телефон аппарати учун рўйхатга олиш учун тўлов миқдорида ҳақ тўланса, телефонлар қайта расмийлаштирилади.

3.6 Корхона, идора, ташкилотнинг номи ёки тўлов реквизитлари ўзгариши муносабати билан уларда жойлашган телефонларни қайта расмийлаштиришда амалдаги тарифга мувофиқ қайта номлаш учун тўланадиган ҳақ ундирилади. Ижарага берувчи томонидан унинг ҳисобида турувчи телефонли хона банкда ўзининг ҳисоб рақамига эга бўлган корхона, идора, фирма, кооператив, хусусий шахсга ижарага берилганда, ҳар бир телефон аппарати учун рўйхатга олиш учун ҳақни тўлаган ҳолда телефон бир ой муддат ичида ижарачига қайта расмийлаштирилиши керак.

Бу шартлар бажарилмаганда ижарага берувчининг телефони узиб қўйилади, кейинчалик абонемент ёпилади ва телефон рақами алоқа корхонаси ихтиёрига берилади.

Ижара муддати тугаши ёки ижара шартномаси бекор қилиниши билан ижарага берувчи телефон рақамини бир ойлик муддат ичида ижарачи номидан ўз номига қайта ўтказиш ҳуқуқига эга.

Акс ҳолда телефон рақами алоқа корхонаси ихтиёрига берилади, абонент ёпилади.

3.7 Абонементнинг амал қилиши тўхтатилиши ва тугатилиши мумкин:

-- абонент аризасига кўра;

-- мазкур Қоидаларнинг 3.6, 6.3.2, 6.3.3, 6.3.4, 6.3.5-бандларида акс этган ҳолларда, 3.5, шунингдек, 5.2-бандлари бажарилмаганда алоқа корхонаси ташаббуси билан.

3.8 Абонемент линиясига уланадиган телефон ва бошқа охирги қурилмаларни ўрнатиш учун рақамлар ажратилиши ҳақидаги қарор алоқа корхонаси раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

Телефон розеткалари абонент кўрсатган жойларга, агар бу жойлар техник меъёр талабларига жавоб берадиган шароитда бўлса, ўрнатилади.

Ўрнатилган розеткага уланадиган телефон аппаратлари ва бошқа охирги қурилмалар техник меъёрларга мувофиқ бўлиши керак.

Телематик хизмат ва маълумот узатиш охирги қурилмалари алоқа корхоналарида рўйхатдан ўтказилиши керак.

3.9 Ўрнатилган телефон алоқа корхонасининг ташаббуси билан жуфтланган схемага уланиши мумкин:

3.9.1 Абонентнинг розилиги билан, агар:

-- абонент телефон ўрнатилишида имтиёзга эга бўлмаса;

-- телефон келишилган (тижорат) нархда ўрнатилган бўлса;

-- абонент касал ёки ногирон ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган имтиёзларга эга бўлса.

3.9.2 Абонентнинг розилигисиз, агар:

-- абонент телефон ўрнатилиши учун имтиёзга эга (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган имтиёзларга эга касал ва ногиронлардан ташқари) бўлса.

3.9.3 Абонент телефони жуфтланган схемага уланиши ҳақида унга ёзма равишда билдирилгандан 10 кун ўтгач, телефон рақами алмаштирилади. Бир вақтнинг ўзида мазкур билдириш билан абонент улаш ишларини бажаришга онгли равишда тўсқинлик қилса, унинг телефони узиб қўйилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Телефонлари жуфтланган схема бўйича уланган абонетлардан бири иккинчи абонент телефонининг бир меъёрда ишлашига онгли равишда тўсқинлик қилаётгани аниқланган ҳолда у огоҳлантирилади ва бу ҳол такрорланса, абонемент ёпиб қўйилади.

Қўриқлаш сигнализацияси учун фойдаланиладиган телефонлар идорадан ташқари қўриқлаш бўлимига ёзма билдириш берилгандан кейин 30 кун ичида жуфтланган схемага уланади.

3.9.4 Бу шартлар алоқа корхонаси билан абонент ўртасида шартнома тузилаётганда ўз аксини топади.

3.10 Янги телефон станцияларини ишга тушириш ва телефон тармоқларини қайта қуриш муносабати билан телефон рақамларини алмаштириш абонентнинг розилигисиз амалга оширилади.

Телефон рақамлари оммавий тарзда қайта уланган ҳолда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълонлар берилади ёки эълонлар уйларга кираверишда, маҳалла қўмиталарида осиб қўйилади.

3.11 Абонентнинг илтимосига кўра, унинг аризасида кўрсатилган муддатга телефонни вақтинча узишга йўл қўйилади. Бу ҳолда абонентнинг телефон рақами сақланади ва абонементнинг сақланиш вақти учун абонемент тўлови ундирилади.

3.12 Табиий офатлар рўй берганда ва фавқулодда ҳолатларда алоқа корхонаси ташаббуси билан корхона, идора, ташкилотларда ва аҳоли учун ўрнатилган телефонлар ва охирги қурилмаларни вақтинча узиб қўйилишига йўл қўйилади.

3.13 Маҳаллий телефон алоқа хизматидан фойдаланишдаги имтиёзлар алоқа хизмати тарифларида кўзда тутилади.

4. ЭЛЕКТР АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Алоқа корхонаси мажбуриятлари:

4.1.1 Телефон алоқасининг сифатли ишлашини, балансларида турган ёки ўзлари техник хизмат кўрсатаётган таксофонларнинг телефон алоқа линияси ва станция иншоотларининг ишга яроқли ҳолда сақланишини таъминлайди.

4.1.2 Янги телефон станцияларини ишга туширишнинг ва телефонлар ўрнатишнинг кўзда тутилган муддатлари, кўрсатилаётган ва янгидан йўлга қўйилаётган хизматлар ҳақида маҳаллий радио воситалари, матбуот, телевидение орқали, шунингдек, аҳолини қабул қилиш жойларида, тараққий эттириш цехларида (абонент бўлимларида) эълонлар осиш билан аҳолини хабардор қилади, шунингдек, телефон тармоғига уланган телефонлар ва бошқа охирги қурилмаларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича хизмат кўрсатиш тартиби ва шартлари ва бошқалар тўғрисида аҳолига тўлиқ ахборот беради.

4.1.3 Абонентларнинг аризаларига кўра, назорат муддатларида телефон алоқасидаги носозликларни бартараф қилади. Телефон аппаратларини, бошқа охирги қурилмаларни кўздан кечириш ва таъмирлаш ҳамда бошқа ишларни бажариш учун абонент томонидан чақирилган алоқа корхонаси ходимлари сурат ёпиштирилган, муҳрланган гувоҳномаларини ва ишни бажариш учун белгиланган ҳужжат (наряд)ни кўрсатишлари керак.

4.1.4 Таъмирлаш бюросига ариза келиб тушган вақтдан бошлаб абонент айбисиз уч кеча-кундуздан ортиқ вақт давомида телефон носоз бўлган ҳолда ва мазкур Қоидаларнинг 3.12-бандида кўзда тутилган ҳолларда абонент тўловини қайтадан ҳисоблайди, шунингдек, алоқа корхонаси иш сифатининг бузилгани учун Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тасдиқлаган кўрсаткич ва миқдорларда Алоқа вазирлигига санкция тўлайди.

4.1.5 **3.9**-бандда кўзда тутилган ҳолларда хонадон телефони рақамини алмаштиришидан камида 10 кун олдин абонентни огоҳлантиради (телефон қўриқлаш сигнализацияси пультга уланган ҳолларда абонент ёзма хабардор қилинади ва бу ҳақда ундан билдириш хати олинади).

4.1.6 **3.12**-бандда кўзда тутилган ҳолларда абонентлар телефони узиб қўйилишидан уч кун аввал ёзма огоҳлантирилади. Шошилинч (фавқулодда) ҳолатларда абонент телефон орқали хабардор қилинади.

4.1.7 Абонентлар сотиб олган телематик хизмат ва маълумот узатиш охирги қурилмаларини рўйхатдан ўтказади.

4.1.8 Абонентлар аризасига кўра, амалдаги тариф бўйича маблағ тўлангач, улар сотиб олган телефон аппаратлари ва бошқа охирги қурилмаларнинг техник меъёрларга мувофиқлигини текширади.

4.1.9 Абонентлардан электр алоқа хизматларидан фойдаланганликлари учун нақд пул билан ва нақд пулсиз, шу жумладан, идоравий сектор ходимлари хонадон телефонларидан фойдаланганда, улардан хонадон сектори тарифлари бўйича тўловларни қабул қилади, хонадонларда ўрнатилган хизмат телефонлари бундан мустаснодир.

4.1.10 Абонентлар билан муносабатда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинади.

Қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган ҳолда алоқа корхонаси истеъмолчи олдида қонун билан белгиланган тартибда жавоб беради.

4.2 Электр алоқа корхонаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1 Абонент алоқа корхонасида рўйхатга олинмаган телематик хизмат охирги қурилмалари, шунингдек, телефон аппаратлари ва бошқа қурилмалар абонент линиясига улангани маълум бўлган ҳолда бу аппарат ва қурилмаларни узиб қўйиш.

4.2.2 Абонент қурилмаларининг техник текширувини амалга ошириш.

4.2.3 Бўшаган рақамлардан фойдаланиш.

4.2.4 Ўз вақтида қайта расмийлаштирилмаган телефонни олиб қўйиш.

4.2.5 Рўйхатга олинмаган охирги қурилмалар такроран линияга улангани маълум бўлганда (далолатнома билан расмийлаштирилганда) абонементни ёпиш.

5. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-- ўзининг охирги қурилмалари орқали электр алоқанинг сифатли ва узлуксиз хизматларидан фойдаланиш;

-- абонент таъмирлаш бюросига телефон алоқаси унинг айбисиз бузилгани ҳақида ариза бергач, уч кундан кейин телефон ишламаган кунлар учун абонент тўловларини ва унга қўшимча ҳақни тўламаслик;

-- махсус хизматлар («01» -- ёнғиндан ёрдам, «02» -- милиция, «03» -- тез тиббий ёрдам, «04» -- газ тармоғи авария хизмати ва марказлаштирилган авария-диспетчерлик хизмати, таъмирлаш бюроси) билан маҳаллий тармоқ таксофонлари орқали сўзлашувда, бундан ташқари, ЎзР Алоқа вазирлигининг буюртма хизматлари (телеграммаларга телефон орқали буюртма бериш, телефон орқали шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга буюртма бериш) билан абонент телефон аппаратлари орқали сўзлашувда телефон алоқасидан бепул фойдаланиш;

-- сотиб олган телефон аппаратлари ва бошқа охирги қурилмалар созлиги ва техник талабларга мувофиқлиги электр алоқа корхонаси томонидан тасдиқлангандан кейин телефон розеткаларига улаш;

-- абонементни ўзи билан яшайдиган оила аъзоларидан бирининг номига қайта номлаш (ўтказиш);

-- абонементнинг амал қилишини тўхтатиш;

-- алоқа корхонаси ходимлари ҳаракати устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

-- абонемент тўловларини нақд пул билан ва нақд пулсиз амалга ошириш.

5.2 Абонентнинг мажбуриятлари:

-- телефон розеткаларини ўзбошимчалик билан ўрнатиш (ўрнини ўзгартириш) ва унга техник меъёрларга мос келмайдиган телефон аппаратлари уланишига йўл қўймаслик;

-- телефон розеткаларига алоқа корхонасида рўйхатдан ўтказилмаган телефон аппаратлари, телематик хизматлар ва маълумот узатишнинг бошқа охирги қурилмалари ўзбошимчалик билан уланишига йўл қўймаслик.

-- телефондан фойдаланганлик (маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари, қарзга берилган телеграммалар, телефон орқали кўрсатилган бошқа хизматлар) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

-- телефонларни ўз вақтида қайта расмийлаштириш ва қайта номлаш;

-- алоқа корхонаси балансида бўлмаган алоқа иншоотларининг эксплуатациясини, меъёрий техник ҳолатини мустақил таъминлаш;

-- хонадондан чиқиб кетганлиги ҳақида бир ойлик муддат ичида алоқа корхонасига хабар бериш.

5.3 Якка тартибда ва жамоа бўлиб фойдаланиладиган (хонадон сектори) телефон ва бошқа охирги қурилмаларга эга бўлган абонент, шунингдек, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, шу жумладан, меҳмонхоналар, ётоқхоналар, санаторийлар, дам олиш жойлари, чет эл ваколатхоналари ва бошқа шу каби ташкилотлар уларнинг охирги қурилмалари орқали кўрсатилган барча хизматлар учун, шу жумладан, охирги қурилмадан бегона шахс фойдаланганда ҳақ тўлайдилар.

Алоқа корхонаси ва абонент ўртасида тўловни ундиришда юзага келган келишмовчилик суд орқали ҳал қилинади. Бунда суд қарори чиққанидан кейин абонент телефони узиб қўйилади ва тергов жараёнида алоқа корхонаси қилган барча харажатлар, шу жумладан, кўрсатилган хизматлар учун қарзлар абонент томонидан тўланади.

5.4 Маҳаллий телефон тармоғи ва абонент ҳуқуқлари, уларнинг ўзаро мажбуриятлари телефон ўрнатиш учун ҳужжатларни расмийлаштирилаётганда шартномада кўрсатилади (келишиб олинади).

6. КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАР

6.1 Алоқа корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматларга Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан алоқа хизматлари учун тасдиқланган амалдаги тарифларга мувофиқ, шунингдек, келишилган нархлар бўйича ҳақ тўланади.

Маҳаллий телефон сўзлашувлари вақтини ҳисобга олишни таъминлайдиган техник воситалар тайёрлигига кўра сўзлашув вақти бўйича тўлов амалга оширилади.

6.2 Телефон ва бошқа охирги қурилмаларни ўрнатиш учун ҳақ бу хизматга ариза (буюртма)ни расмийлаштиришда абонент томонидан тўланади.

Телефон ва бошқа охирги қурилмалардан фойдаланганлик учун ҳақ улар уланган кундан бошлаб ҳисобланади.

6.3 Телефондан фойдаланганлик учун ва телефон бўйича кўрсатилган пуллик хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари, хизматларга ҳақ тўланмагани ёки абонент томонидан мазкур Қоидаларнинг бузилиши муносабати билан абонементнинг амал қилишини тўхтатиш, тугатиш ва тиклаш:

6.3.1 Телефон алоқаси хизматлари учун тўлов электр алоқа корхоналарида ёки почта алоқаси бўлимларида, мазкур тўловларни қабул қилишга вакил қилинган банк идораларида қабул қилинади.

6.3.2 Телефондан фойдаланганлик учун ҳақ ҳар қандай муддат учун, лекин камида бир ой олдин тўланади. Жорий ойнинг 20-кунига қадар тўлов келиб тушмаганда алоқа корхонаси тўлов 30 кунгача келиб тушмаса, телефоннинг узиб қўйилиши, абонемент эса ёпилиши ҳақида абонентни телефон орқали огоҳлантиради.

Агар абонент телефонда жавоб бермаётган бўлса, унда алоқа корхонаси ёзма огоҳлантириш юборишга мажбур.

Абонент 30 кунгача (30-кунни ҳам ҳисобга олиб) ҳақ тўлаган бўлса, у алоқа корхонасига телефон орқали тўловни қачон ва қаерда амалга оширганини хабар қилиши керак.

Абонемент ёпилгандан кейин 30 кун давомида қайта очилиши мумкин (алоқа корхонаси бу вақт ичида телефон ишининг тикланишига имконият сақлайди). Бу телефондан фойдаланганлик учун ҳақ тўланган, қарз узилган, шу жумладан, абонемент ёпиқ бўлган вақт учун ҳам ҳақ тўланган, рўйхатга ўтказиш учун ҳақнинг чорак қисми тўланган шароитда амалга ошади.

Абонемент ёпилганидан кейин 30 кун ўтгач, мазкур Қоидаларнинг 3-бўлими қоидаларига мувофиқ янгидан телефон ўрнатилиши мумкин.

6.3.3 Қарзга тақдим этилган электр алоқа хизматлари учун ҳисоб варақаларида кўрсатилган ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганида телефонлар ва бошқа охирги қурилмалар мазкур охирги қурилмаларни узиб қўйишга тузилган рўйхатлар асосида узиб қўйилади. Рўйхатлар кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобни олиб борувчи корхона раҳбарияти томонидан имзоланади.

Рўйхатларда абонентлар телефонларининг рақамлари, ҳар бир рақам бўйича қарз суммаси (йиғиндиси), телефон узиб қўйилиши тўғрисида огоҳлантириш берилган сана, огоҳлантириш шакли (телефон орқали, ёзма) кўрсатилади.

Телефонларни қайтадан улаш телефонларни узиб қўйиш учун рўйхат берган алоқа корхонаси қарзлар тўлангани ва телефонни қайта улаш учун ҳақ ундирилганини тасдиқлагандан кейин бир кеча-кундуз давомида амалга оширилади.

Телефон узиб қўйилган вақтдан бошлаб бир ой давомида телефонларни узиб қўйишга рўйхат берган алоқа корхонаси қарзлар тўланганини тасдиқламаса, абонемент ёпилади.

Абонемент ишини мазкур Қоидаларнинг 6.3.2-бандида кўрсатилган муддатлар ва шартларда тиклаш мумкин.

6.3.4 Агар шахс бошқа шахсга очилган абонемент бўйича ҳақ тўлаб, телефондан фойдаланган бўлса, алоқа корхонаси абонементни ёпади. Имтиёзли навбатда турганлар бўлмаган ҳолда раҳбарият мазкур Қоидаларнинг 3.4.3-бандига мувофиқ қайта расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

6.3.5 Телефон ўзбошимчалик билан ўрнатилгани ёки телефон аппарати ўзбошимчалик билан ишлаб турган телефон ёки таксофон линиясига улангани аниқланган ҳолда алоқа корхонаси бу телефонни узади, алоқа линиясини қўриқлаш Қоидалари бузилгани ҳақида далолатнома тузилади (Маъмурий жавобгарлик ҳақида Кодекснинг 154-моддаси асосида).

Агар телефон ўзбошимчалик билан ўрнатилган ёки ишлаб турган телефон ёки таксофон линиясига уланган вақтни аниқлаш мумкин бўлса, қоида бузилиши аниқланган йилнинг бошидан абонемент тўлови ундирилади.

Мазкур бандда кўрсатилган қоида бузилишига йўл қўйган шахс ҳақ тўламаса, тегишли сумма Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг Давлат алоқа назорати орқали Маъмурий жавобгарлик ҳақидаги Кодекснинг 263-моддасига мувофиқ ундириб олинади.

6.3.6 Телефондан фойдаланганлик учун абонемент тўлови миқдори абонент телефони мансуб бўлган тоифа (категория), шунингдек, абонент линиясининг узунлиги, агар телефон аппарати шаҳар ёки қишлоқ жойларда туман маркази чегарасидан ташқарида жойлашган бўлса, Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларига мувофиқ белгиланган нарх ва тарифлар бўйича белгиланади.

6.4 Хонадонлари қўриқлаш сигнализацияси пультига уланган абонентлар телефонлари барча ҳолларда фақат алоқа корхонаси томонидан ёзма огоҳлантирилгандан сўнггина узиб қўйилиши мумкин. Бунда абонент огоҳлантириш олгани ҳақида билдириш хати бериши керак.

6.5 Абонентнинг айби билан телефон ва бошқа охирги қурилмалар узиб қўйилган бўлса, улар ишламаган вақт учун тўлов тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Телефон алоқаси бузилишида абонентнинг айби бўлмаса, таъмирлаш бюросига бу ҳақдаги ариза келиб тушган пайтдан бошлаб уч кундан ортиқ вақт ўтган бўлса, абонентдан тўлов ундирилмайди.

6.6 Телефон ва бошқа охирги қурилмалар 3.12-бандда кўзда тутилган ҳолда узиб қўйилган бўлса, абонентдан тўлов ундирилмайди, қурилмаларни қайтадан улаш учун ҳақ ҳам тўланмайди.

6.7 Телефон ва бошқа охирги қурилмалардан фойдаланганлик учун тўланган ҳақ абонент телефон алоқаси хизматларидан фойдаланишдан воз кечган ҳолда абонентнинг аризасига кўра абонемент ёпилган кундан бошлаб унга қайтарилади.

7. АБОНЕНТ ВА АЛОҚА КОРХОНАСИ ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1 Телефон ўрнатиб бериш рад қилинган тақдирда истеъмолчи шикоят билан ҳуқуққа зид бўлган раддия бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

7.2 Алоқа корхонаси билан истеъмолчи ўртасидаги барча баҳсли масалалар қонун билан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

ИЛОВА

ТЕЛЕФОН ЎРНАТИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ШАХСЛАР РЎЙХАТИ

1. 1-гуруҳ ногиронлари.
2. Иккинчи жаҳон урушининг 2 ва 3-гуруҳ ногиронлари, Ватанни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажаришда олинган жароҳатлар, контузия, шикастланишлар туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар.
3. Чернобиль АЭСидаги аварияни бартараф қилишда иштирок этган, авария натижасида нур касаллиги билан оғриган шахслар (белгиланган ҳужжатларни кўрсатганларида).
4. Ўзбекистон Республикаси халқ ноиблари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган шахслар, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, учала даражадаги «Шуҳрат» орденлари кавалерлари.
5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилал жангчилар, уруш йилларида меҳнат фронти қатнашчилари (22.06.1941 йилдан 09.05.1945 йилгача), Ватанни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажариш чоғида олинган жароҳат, контузия ва шикастланишлардан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари.
6. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизими корхоналари, идоралари, ташкилотларининг «Хизмат кўрсатган алоқачи», «Алоқа устаси» унвонларига эга ходимлари, алоқа идораларида камида 10 йил узлуксиз ишлаган ходимлар.
7. Қаҳрамон оналар.
8. Ёлғиз кекса фуқаролар, болаликдан ногиронлар.
9. Махсус шароитлар мавжуд бўлганда телефон тармоғи раҳбарияти қарорига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси меъёрий ҳужжатл

● *МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 6 ЙИЛЛИГИГА*

Тарихан қисқа муддат -- ўтган олти йил мобайнида Ўзбекистон спортни халқаро майдонда ўзига хос нуфузга эга бўлди. Халқаро спорт ташкилотлари эндиликда мамлакатимизга Марказий Осиёда спортни, олимпия ҳаракатини ривожлантириш маркази сифатида муносабат билдирмоқда. Республикамизнинг бошқа соҳаларда бўлганидек, спортда ҳам ўзига хос йўлдан бораётганлиги ва унинг одимларига халқаро майдонда катта қизиқиш билдирилаётганлигини яқинда юртимизда бўлган Осиё Олимпия кенгашининг президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ ҳам эътироф этди.

Хўш, бу қизиқишлар замирида нима ётибди, хорижликлар биздан нимани ўрганмоқчи, Ўзбекистоннинг ўз модели нималардан иборат, Президентимиз Ислом Каримов нима учун халқаро Олимпия қўмитаси (ХОК) ва Осиё Олимпия кенгашининг (ООК) олий мукофотлари -- Олтин Олимпия орденларига сазовор бўлди?

Ушбу мақолада ана шулар ҳақида, мамлакатимиз спортининг олти йиллик фаолияти, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшаётган ҳиссаси, бугунимиз ва келажак ҳақида, миллий ғурур, фахр ва ифтихор, Ватан туйғуси тўғрисида фикр юритилади.

ИСТИҚЛОЛ ҲАДЯ ЭТГАН ТУЙҒУ

I. ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Ўзбекистонда спорт ҳаракатининг авж олиши, аввало, истиқлол билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда қабул қилинган дастлабки қонунлардан бирининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» деб аталиши бунинг ёрқин далилидир. Бошқача айтганда, ана шу Қонуннинг ижроси ва келажак авлод манфаатларини кўзловчи «Соғлом авлод учун» ғоясининг амалиётга фаол татбиқ этилишини таъминлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Президент Ислом Каримов ташаббускорлиги ва раҳнамолигида ҳукуматимиз Ўзбекистоннинг ҳақиқий истиқболга эришиши йўлида ғоят улкан вазифаларни белгилар экан, бунда, аввало, фуқаролар сиҳат-саломатлигини таъминлашни муҳим шарт қилиб қўйди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда **жисмоний тарбия ва спорт кишиларнинг кундалик эҳтиёжига** айланиши керак, **спорт спорт учун эмас, балки биринчи навбатда одамлар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак, деган кенг маънодаги мақсад ўртага ташланди Бу билан спортни янада ривожлантириш, оммавийлаштириш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди**. Баъзи бир мамлакатларда спортга фақат шон-шуҳрат, бизнес, даромад манбаи сифатида ёндашилаётган бир пайтда республикамизда шу йўлнинг танланиши, албатта, жаҳон давлатлари, халқаро спорт ташкилотларининг эътиборини тортди.

Спорт соҳасида юксак марраларга эришишда **Ўзбекистон оммавийлик йўлидан бормоқда.** Яқинда юртимизда бўлган ООК президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирди: «Қозоғистоннинг кўпроқ спорт юлдузлари билан ишлашга мойиллиги кучли бўлса, **Ўзбекистон спорт соҳасида юқори натижаларга эришиш учун кўпроқ келажак авлод тарбиясига эътиборни қаратаётганлиги билан ажралиб туради. Оммавийлик йўли танланган** экан, бу катта оқим ичидан келажакда кўплаб спорт юлдузлари етишиб чиқиши шубҳасиз».

Спортнинг оммавийлигини ҳар ким турлича тушуниши мумкин. Қолаверса, у барча мамлакатларда ҳар хил талқин этилади. Айримларида оммавийликни кўплаб кишиларнинг ихтиёрий равишда қатнашадиган югуриш марафонлари, деб билиб, бу мусобақаларга йирик совринлар тикилади. Моҳиятан, бир-икки кунлик марафонлар, унда қанчалик кўп одам қатнашмасин, тезда ўз аҳамиятини йўқотади ва бу йўл билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда эса спортни оммавийлаштириш тамоман ўзгача кўринишда акс этади. Дейлик, ўтган йили республика миқёсида спортнинг 28 тури бўйича ўтказилган **Спартакиада мусобақалари** деярли барча спортчиларимизни қамраб олиб, мамлакатимиз терма жамоалари сафини белгилашда муҳим аҳамият касб этган бўлса, қишлоқ меҳнаткашлари Спартакиадаси қишлоқларда яшайдиган **мамлакатимиз аҳолисининг ички қатламлари ҳаётига кириб борди.** Бундан ташқари, республика миқёсида мунтазам ўтказилиб келинаётган ўқувчи ёшлар Спартакиадасини олиб кўринг! **Буларнинг ҳаммаси, албатта, аҳолининг барча қатламларини спорт майдонлари сари етаклашда, соғлом турмуш тарзини жорий этишда, спортни оммавийлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Гап оммавийлик ҳақида бораркан, шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юзага келган «Ҳавас» теннис турнири тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки ана шу турнир мазмун-моҳиятида ҳам Ўзбекистоннинг спортни янада ривожлантириш, оммавийлаштириш борасида ўзига хос йўлдан бораётганлиги яққол ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда, **раҳбар ходимларнинг «Ҳавас» турнири майдонига чиқиб, шахсий намуна кўрсатиши кишиларни спортга ошно этиш, соғлом турмуш тарзи сари чорлаш борасида тутилган соф ўзбекона йўл бўлди**. Чунки халқимиз азал-азалдан ўз етакчилари, раҳнамоларига ишонган ва улар ортидан эргашган. Раҳбар ходимларнинг кортларга чиқишига замонавий нуқтаи назардан баҳо берсак, «Ҳавас» уларнинг спортга муносабатини ўзгартиришда, спорт шуқуҳи, завқини амалий тарзда туйишига қўмак беради.

Ўзбекистон спортининг халқаро майдонда эътироф этилаётган яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, оммани умуммақсад -- «Соғлом авлод учун» кураш остида бирлаштириш мақсадида **спортга қадриятларимизнинг туб илдизидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирилаяпти.** Хусусан, миллий кураш турларининг расмий мақом олиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу спорт турлари бўйича ҳатто халқаро турнирлар ҳам ўтказилдики, унда биз **Ўзбекистон халқаро спорт майдонига қуруқ қўл билан эмас, балки ўз миллий спорт турларини таклиф қилиб, ўз қиёфаси билан чиқиб бораётганлигини кўрамиз.** Ат-Термизий, соҳибқирон Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Бобур хотирасига бағишланган халқаро турнирларда қатнашувчи мамлакатлар сони тобора кўпайиб, ҳудудий қамрови кенгайиб бораётгани фикримизнинг далилидир. Фориш туманида **Халқ ўйинлари Олимпиадасининг ўтказилиши эса Ўзбекистон ўз спортини жаҳон майдонида тиклаш учун туб заминга, халқ меросининг илдизларига суянган ҳолда иш олиб бораётганлигини кўрсатади.** Бу илдиз, шубҳасиз, ғоят мустаҳкамдир. Шу боис халқаро майдонда юртимиз спортига қизиқиш катта. Зотан, қисқа давр ичида Ўзбекистон халқаро майдонда ўз сўзини айтди. Спортчиларимиз бир тузум йўқолиб, иккинчи бир тузум пайдо бўлган мураккаб даврда нафақат халқаро мусобақаларда, қитъа ва жаҳон миқёсидаги йирик турнирларда, Олимпиада мусобақаларида фаол қатнашишди, балки **мамлакатимиз халқаро миқёсдаги йирик турнирларнинг ташкилотчиси ҳам бўлди. Биринчи Марказий Осиё ўйинларининг юртимизда туғилиб, унинг юксак даражада ўтказилганлиги Халқаро олимпия ҳаракатининг ривожланишига, кенг қулоч ёзишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.** Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда бир қатор йирик теннис, футбол турнирларининг юзага келиши, бокс бўйича Осиё чемпионатининг юқори савияда ўтказилганлиги **Ўзбекистонни халқаро мусобақаларни уюштириш борасида ҳам катта имкониятларга эга мамлакат** сифатида дунёга танитди. Президент Ислом Каримовга ҳам Халқаро Олимпия қўмитаси ҳамда Осиё Олимпия кенгашининг олий мукофотлари -- Олтин Олимпия орденларининг топширилгани мамлакатимиз спортининг халқаро майдондаги нуфузи юқори эканлигига берилган юксак баҳодир.

2. ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ -- ДАВР ТАҚОЗОСИ

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби спортимизда ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Агар омма онгига ана шу ислоҳотларнинг илк меваларига, халқаро майдон сари кўтарилиши пиллапояларига жаҳон даражасида қараш ҳиссини сингдира олсак, демакки, уларнинг истиқболга ишонч туйғуларини ҳам, шубҳасиз, мустаҳкамлаган бўламиз. Ўзбекистоннинг кенг имкониятларидан қувона олиш фазилатини ёшлар қалбига муҳрлаб боришимиз зарур. Зеро, миллий ифтихори кучли бўлган киши ўз мамлакати билан фахрлана олади ва унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Ёшларимизнинг миллий ифтихори кучли бўлса, бу истиқболни чуқурроқ англай олишига ёрдам беради. Унинг эртаси бугунидан кўра мукаммалроқ бўлишига интилади. Уларнинг миллий ифтихорини кучайтиришга асос бўладиган ютуқларимиз эса бисёр. **Ўтган олти йил ичида спортимиз ва спортчиларимиз оламшумул ғалабаларга эришди. Ана шу ютуқлар шуқуҳи, завқи нафақат спортчиларимиз, балки миллионлаб спортсеварларимиз қалбига мустақиллик ҳадя этган туйғу бўлиб кўчди.** Бу муқаддас туйғуни биз илк марта шоҳмотчиларимизнинг Олимпиадада муваффақиятга эришганида, бироз ўтиб, боксчимиз Ҳикматилла Аҳмедов Финляндияда ўтказилган жаҳон чемпионатидан «қумуш» медаль билан қайтганида, яна бир боксчимиз -- Наримон Отаев жаҳон кубогини қўлга киритганда, айниқса, футболчиларимиз XII Осиё ўйинларида ғолиб чиққанида дилдан чуқур ҳис этдик. Зеро, узоқ йиллар давомида спортимиз, спортчиларимиз собиқ Иттифоқ соясида қолиб келарди. Халқаро майдонга чиқишнинг ўзи ғоят мушкул иш эди. Буни Руфат Рисқиев фаолиятидан хабардор бўлган спортсеварларимиз яхши билишади.

Спортчиларимиз бутун бир делегация бўлиб XII Осиё ўйинларига, Олимпиада мусобақаларига отланишганида, мустақиллик саодатининг нима эканлигини янада теранроқ, чуқурроқ англадик ва бу саодатдан суюндик, фахрландик. Бу туйғу мустақилликнинг характерли белгиси, руҳиятимизда акс этган инъикоси эди. Эндиликда бу туйғуни янада мустаҳкамлаб боришимиз зарур. Зеро, Ватан ҳисси -- шу юртнинг эгаси бўлган халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодирлигини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади.

Ҳозир мустақил Ўзбекистон спортчиларининг фақат Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақаларида қўлга киритган «олтин» медаллари сони 100 дан, «қумуш» ва «бронза» медалларини қўшиб ҳисоблаганда, 400 дан ошиб кетди. Бу медаллар салмоғида бугунимизни, тараққиёт пиллапояларидан кўтарилиб бораётган, илғор мамлакатлар сафига кириб бораётган Ўзбекистонни, мустақиллик саодатининг меваларини кўрамиз. Қолаверса, бу ютуқлар Ўзбекистон цивилизациясининг бир қиррасидир. Спортчиларимизнинг, айниқса, бокс, самбо, дзюдо, кураш, эшкак эшиш, шоҳмот, шашка, фристайл, гимнастика, акробатика, мерганлик, таэквондо ва бошқа спорт турлари бўйича жаҳон ҳамда қитъа миқёсида кўлга киритган муваффақиятлари ва умуман, спортимиз одимлари матбуот саҳифаларида қайд этиляпти. Лекин бу чиқишлар кўпинча асл моҳиятга чуқур кириб борилмаган ҳолда, баъзан қуруқ ахборот тарзида акс этаяпти. Тўғри, республикамизда ўзбек ва рус тилларида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газетаси чиқарилаяпти. Бу газеталар ҳафтада бир мартадан нашр этилади. **Мамлакатимизда спорт тараққиётига, унинг аҳамиятига катта эътибор берилаётган бўлса-да, республика оммавий-ахборот воситаларида бу соҳа етарлича ёритилаяпти, деб бўлмайди. Айрим нашрларда спорт бўлимлари очилмаган ҳам. Натижада халқаро майдонда эришган оламшумул ғалабалар моҳияти ва бу ютуқлар ортидан кўплаб ёшларни эргаштириш, уларда миллий ғурур, фахр-ифтихор тушунчаларини шакллантириш масалалари ҳар доим ҳам керагича акс этмайди.** Мухлисларнинг ўз она юрти спортининг бугуни ва унинг зафарлари билан фахрланишига асос бўладиган манбалар ҳам етарли эмас. **Назаримизда, ана шу жаҳоншумул ютуқларимизни жамлайдиган, мустақил Ўзбекистон спорти одимларини тарих саҳифаларига муҳрлайдиган китобларга эҳтиёж туғилаётгандек.**

Ёшларни бекорчилик, майда безорилик, чекиш қабоҳатидан «юлиб» олиб, спорт юлдузлари ортидан эргаштириш, соғлом турмуш тарзи сари етаклашда, қолаверса, уларнинг онгида «Она Ватанимизнинг ҳар бир нарсаси, хусусан, спортию спортчилари зўр!.» деган фахр-ифтихор, миллий ғурур туйғуларини шакллантиришда спорт мавзуидаги китоблар, рангли журналларнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика Миллий Олимпия қўмитаси, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси бу ишларнинг ташкилотчиси бўлиши керак. Қолаверса, ана шу нашрлар ўтиш даврининг турли мураккабликларига қарамай, спорт соҳасида эришган оламшумул ютуқларимизни тарих саҳифаларига муҳрлаш ишига катта ҳисса қўшади. Зеро, миллий истиқлол натижасида эришилган ютуқларни кўпайтириб, унинг тарғиботини қанчалик кучайтирсак, Ўзбекистонимиз билан фахрланиш ҳисси -- миллий ифтихор ҳам шунчалик кучайиб бораверади.

Биз ўз олдимизга **«Ўзбекистон -- келажаги буюк давлат» деган улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бу борада буюк аждодлар шон-шуҳратига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи камлик қилади,** уларнинг шуҳратига-шуҳрат қўшишимиз, бугунги оламшумул ютуқларимизни жаҳонга асосли равишда, жаҳон андозасида кўрсата олишимиз ва қадрлай билмоғимиз лозим. Буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кулсанг, кулгуларинг кўнгилни чертар,
Ой-юлдуз чайқалган чеҳранг узра нур.
Маъсум қарашларинг юракни ўртар,
Фалаклардан тушган беғубор сингил.

А. ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси

● *ЎЗБЕКИСТОН -- ВАТАНИМ МАНИМ*

ҚАЛБИМ АКСИ ҚЎШИҒИМДА

Халқимизнинг ўлмас анъаналаридан бири бу—қўшиқдир. У бугун ҳар бир инсоннинг кундалик эҳтиёжига айланиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мусиқаси оҳангдор, мазмунли ва чиройли қўшиқ— жону дилимиз.

Халқимиз анъаналарига асосланган ҳолда ўзбек миллий қўшиқчилигини ривожлантириш мақсадида ўтган йили «Ўзбекистон -- Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтган эди. Бу йил эса ана шу хайрли тадбирнинг давоми сифатида мамлакатимизда қўшиқлар байрами шодиёналари ўтказилмоқда.

Яқинда Гулистон туманида уюштирилган «Қўшиғимда қалбим акси» мавзуидаги санъат конкурси ёшлар учун ажойиб совға бўлди, дейиш мумкин. Унда вилоятнинг Боёвут ва Гулистон туманлари ҳунар-техника лицейлари ўқувчилари мақом, соз, рақс ижрочилиги бўйича ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. Учрашувда Гулистон туманининг 3-ҳунар лицейи ўқувчилари биринчиликни қўлга киритишди.

Фотима ЖУМАЕВА.

ЯНГИЧА ИШЛАШ ДАВРИ

Маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш бўйича тўпланган тажрибалардан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Бу борада камчиликларга йўл қўйилмаяптими?

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази-да вилоят бўлимлари раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда шулар ҳақида сўз борди.

Марказ раҳбари Н. Аминов, «Олтин мерос» жамғармаси раиси Х. Тўхтабоев, «Маънавият» нашриёти директори С. Аҳмедов, бўлим мудири Т. Содиқова, етакчи мутахассис А. Иброҳимов, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах, Хоразм вилоятлари бўлим мудирлари сўзга чиқиб, амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб, мавжуд муаммоларни ҳам ўртага ташладилар.

Маънавият бўйича ўқув қўлланмалари, услубий китоблар, турли тавсияномалар чиқаришни тезроқ изчил йўлга қўйиш лозим. Марказ, шунингдек, мамлакат миқёсида турли ташкилотлардаги маънавий-маърифий ишларни ҳам мувофиқлаштиришни ўз зиммасига олиши керак. Энди ҳаётга янада яқинлашиш, халқ ичига кириб бориш пайти келди. Гап фақат тарғибот-ташвиқотда эмас, балки тарбиянинг самарасига эришишдадир. Умуман, маънавият ишлари хўжакўрсинга, ортиқча ҳашаматлар билан ўтказилса, бетаъсир бўлади. Бундан буён ижтимоий тадқиқотларни кенг йўлга қўйиш зарур.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР ОЛАМИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Ўзбекистон Миллий банкининг сўмдаги пластик карточкалари - сизнинг маблағларингиз сақланиши ва кўпайишининг кафолати.

Карточка эгалари учун "йўқлаб олинадиган" жамғармалар очилади ва йиллик фоизнинг 50 фоизи тўланади.

Маълумот олиш учун телефонлар:

Тошкентда: 44-82-20, 44-82-14, 54-59-01, 54-38-18, 62-37-75, 62-01-92, 33-68-07, 32-03-88
Навоийда: 43-622, 34-965
Нукусда: 36-122, 74-882, 79-591
Бухорода: 36-522, 37-098, 37-108

©Дизайн-студия «Остфест»

АПКАЛ-Г

самарали дори бўлиб, қуйидаги мақсадларда ва болалар учун ҳам қўлланиш мумкин:

- суяк-бўғин аъзоларини мустаҳкамлаш;
- тиш эмалини мустаҳкамлаш;
- аллергия хасталиклари ва рахитнинг олдини олиш.

Меъёри: кунига икки маҳал бир таблеткадан.

Барча дорихоналаридан сўранг

Сурхан арданта фарма лимитед

Республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки — «Ғаллабанк» векселлари эгалари диққатига!

Банк томонидан чиқарилган векселларни муддатидан олдин сўндириш учун 1 июлга қадар тақдим этишлари лозим.

«Ғаллабанк» бошқаруви

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

ТИФЛОКС

Бактерияга қарши восита қуйидаги вазиятларда қўлланилади:

- ич терлама;
- септицемия;
- инфекция;
- сийдик-жинсий;
- суяклар, бўғинлар;
- қуйи нафас йўллари;
- тери, юмшоқ сирт;
- иммунитети сусайган беморни профилактика қилиш.

ДОЗА: 5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка

Сурхан арданта фарма лимитед

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги жамоаси Андижон вилояти иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Тожитдин Мамадалиевга онаси

Хатичахон ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси бошқаруви «Алгоритм» ҳиссадорлик жамиятининг Бош директори М. Азимовга оналари

ТУРСУНОЙ аянинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Бош архив бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳри ҳокимлиги Архив бўлими мудири Н. Расуловага умр йўлдоши

Анвар РАСУЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети тоғ-кон факультети ва геология кафедраси аъзолари катта ўқитувчи

Маҳаматсобир МАҲАМАТРАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0377, 46.094 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ, Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ —Ш. Ражапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6